Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 132 (5723)
11 ИЮНЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

КПСС XXVII съездига бағишланган навбатдаги зарбдор ўн кунлик ниҳоясига етди. Республика ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш илғорларининг «КПСС XXVII съездига —27 зарбдор ўн кунлик» эълон қилиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон пойтахтининг ўн минглаб меҳнаткашлари коммунистлар анжуманн шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Биринчи ўн кунлик якунлари уларнинг аксарият ўз вазадсига вафо қилаётганлигидан далолат беради. Ҳамма Коммунистик партиямизнинг съездига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга интилмоқда. Зарбдор меҳнат маромн кун сайин кучга тўлмоқда. Пешқадам бригадалар, ишчилар смена нормаларнни 120—130 процент бажариш билан бирга, барча топшириқларин аъло сифат билан бажаришга эришмоқдалар.

Иккинчи зарбдор ўн кунликка қадам қўяр эканмиз, эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, мусобақанинг ошкоралигини янада ошириш лозим. Ҳамма илғорлар марраснидан хабардор бўлиши, ана шу маррага эришишга интилмоғи лозим. Чунки биз КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга тараддуд кўрар эканмиз, яна бир шонли сана — стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига яқинлашмоқдамиз. 80-йилларнинг стахановчилари эса энг юқори меҳнат унумдорлиги учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб бормоқдалар.

Бугун биз КПСС XXVII съездига бағишланган зарбдор ўн кунликда энг яхши натижаларга эришганлар ҳақида ҳикоя қилпамиз.

ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

4-дон маҳсулотлари комбинатининг омухта ем цехида йил бошидан бери ишлаб чиқарилиб, Тошкент областидаги чорвачилик комплекслари ва колхоз ҳамда совхозларнинг фермаларига етказиб берилган омухта ем 20 минг тоннадан ошиб кетди. Бу маҳсулотнинг 500 тоннага яқинини коллектив планга қўшимча ишлаб чиқарди. «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» вахтасига комбинатда биринчилар қаторида қўшилган ва ССРнинг Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшаётган цех азаматлари биринчи зарбдор ўн кунликни муваффақиятли якунладилар. Ҳар куни буюртмачиларга 155 тонна ўрнига 160—165 тонна омухта ем етказиб бердилар. Бунда айниқса Л. Лобашева ва М. Бесединa бошлиқ сменаларнинг ишчилари яхши ғайрат ва шижоат кўрсатишди.

Ҳозир бу ерда уч хил маҳсулот: қорамол, чўчқалар ва янги туғилган чўчқалар учун омухта ем тайёрланади. Айниқса янги туғилган чўчқалар учун омухта ем тайёрлаш мураккаб. Уни иложи борича майдалаб, турли микроэлементларни аниқ дозада қўшиш керак. Коллектив бу мураккаб вазифани шараф билан уддалаб, буюртмачилар ишончини оқлаяпти.



ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Компрессор» заводининг 3-цехидаги В. Панов бошлиқ станокчилар бригадаси КПСС XXVII съездига бағишланган биринчи зарбдор ўн кунликни меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Ўн кун мобайнида бригаданинг ҳар бир аъзосн смена топшириқларини 10—20 процент ортиғи билан адо этиб борди.

Партия анжуманига бағишланган иккинчи ўн кунликни ҳам илғор коллектив жадал суръатлар билан бошлади. Машинасозлар шонли сана шарафига ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари адо этиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

СУРАТДА: пешқадам бригада аъзолари (чапдан-ўнгга) В. Ширин, Р. Ҳусниддинов, бригадир В. Панов, А. Беглов.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг пардозлаш бошқармасидаги тажрибали мутахассис Воҳид Исломбоев бошлиқ комплекс бригада «Олмазор» массивидаги янги турар жой массивида биринчи ўн кунликда зарбдорона меҳнат қилди.

Коллектив ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилининг дастлабки кунлариданоқ яхши суръат билан ишлаб, ой сайин план топшириқларини 5—10 процент ортиғи билан адо этяяпти. Қурувчилар республика ва шаҳар ишчиларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусини биринчилар қаторида қўллаб-қувватладилар.

Бригада партиянинг бўлажак анжуманн шарафига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Унда барча топширилган ишларни «яхши» ва «аъло»га бажариш, йил охирда уч кун тежалган материаллар билан ишлаш, биринчи квартал планини 1986 йил 25 февралга қадар бажариш кўзда тутилган.

Коллектив жамғармасига бўёқчилар Светлана Полякова, Аркадий Петухов, дурадгорлар Нозим Умаров, Равшан Хошимов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшдилар.

АҲДГА ЯРАША

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида республиканинг ва шаҳримизнинг энг яхши илғор кишилари бошлаган «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шнори остидаги ташаббус кенг қўллаб-қувватла н д и. Корхонада 7-механика ўнгув цехи ишчилари биринчилардан бўлиб оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Бу тасодифий эмас. Коллектив тракторсозларнинг социалистик мусобақасида кўп марталаб ғолиб чиққан. Съездолди мусобақасидаги дастлабки ўн кунликда ҳам улар биринчилар қаторидан ўрин олишган.

— Бизнинг ишлаб чиқаришимиз ҳозир худди яхши созланган соат механизмини эслатади, — деди илғор бригада бошлиғи Владимир Аласания. — Бунда меҳнат унумдорлигини оширишнинг алоҳида резервларини қидириб топиш мураккаб. Шунга қарамасдан биз уларни топамиз.

Бригадада юксак марралар белгиланди: йил мобайнида 300 килограмм мойлаш материаллари тежалади, йиллик план 28 декабрда, беш йиллик план эса 25 декабрда бажарилади.

Биз албатта ўз сўзимизнинг устидан чиқамиз, деди В. Аласания. Чунки биз бемалол бир-биримизнинг ўринимизда ишлай оламиз. Вера Харитонова, Сергей Коновалов, Ҳасан ва Ҳусан Қосимовлар, Серафима Фёдорова, Нина Гомбойло кабн илғорлар еттитагача касбни эгаллашди.

Биринчи ўн кунликдаги муваффақият меҳнат коллективининг ваъдаси қатъийлигидан далолат беряпти.

Ю. ЛИСОВ.

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда Германия Федератив Республикаси кунлари давом этмоқда.

ГФР билан СССР алоқаларига кўмаклашувчи Қуйи Саксония жамиятининг делегацияси Самарқандга сафар қилди. 10 июнь куни делегация В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетида, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида бўлди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашди.

Ўзбекистон Рассомлар союзининг виставка залида очилган Қуйи Саксония ўлкаси графика асарлари ҳамда оламга машҳур Саксония чинни буюмлари кўргазмасини тошкентликлар қизиқиб томоша қилишди.

Шу куни Қуйи Саксония делегацияси аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистон экономикаси ва маданияти тараққиёти билан, республика меҳнаткашларининг халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги иштироки билан таништирилди.

(ЎзТАГ).

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

10 июнь куни Тошкентда очилган икки кунлик республика илмий конференциясида ўлка аллергологиясининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилмоқда. Конференция қатнашчилари болалар орасида аллергия касалликларининг олдини олиш, уларни даволашнинг унификация қилинган методлари ва диагноз қўйишнинг янги методларини муҳокама қиладилар.

Республика болалар аллергия касалликлари бош мутахассиси, медицина фанлари кандидати Э. А. Салимов Ўзбекистонда аллергология хизматини янада ривожлантиришга кўмаклашишга даъват этилган конференциянинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида шундай деди:

— 1972 йилда Тошкент давлат медицина институтининг биринчи клиникаси базасида ташкил этилган республика педиатрия аллергология маркази шу соҳада мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос марказига айланди. Шу вақт ичида бу ерда юздан ортиқ мутахассис тайёрланди. Аста-секин ихтисослаштирилган поликлиникалар (Тошкентда шундай иккита поликлиника бор), шу жумладан консультация поликлиникаси, шунингдек болалар аллергия кабинетлари Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Қўқон, Фарғона, Бухоро ва Қорақалпоғистонда очилди. Ҳозирча 120 та стационар ўринга эгамиз. Касаллик тарқалишини назарда тутадиган бўлсак, бу етарли эмас, албатта. Шаҳарларда ҳар беш боладан бири ва қишлоқларда ҳар ўн боладан бири аллергия касаллигига чалинган. Шунинг учун ҳам бу профилдаги мутахассислар ғоят зарурдир, турмушнинг ўзи Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида ва республика врачлар малакасини ошириш институтида шундай кафедралар очиш муҳимлигини тақозо этмоқда.

Конференция программасига мувофиқ тажриба алмашилади. Машҳур олимлар — москвалик профессорлардан Н. А. Тюрин, И. И. Балоболкин, Н. В. Медуницин, олмаоталик Н. Д. Беклемишев, тартулик Ю. П. Ксенофонтов, шунингдек Рига, Тбилиси, Фрунзе, Боку, Ереван, Иркутскдан келган таниқли олимлар конференция иштирокчилари ҳузурида докладлар қиладилар ва ахборотлар берадилар. Программада Тошкентнинг болалар даволаш-профилактика ва аллергология муассасалари билан танишиш кўзда тутилган.

• Сўз—ташаббускорларга

ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАР



Ўзбекистон саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббуси билан таништиб чиққан Матлуба Ҳамидовна Йўлчиева даставвал ташаббускорларга фикран офарин айтди. Сўнгра ўйланиб қолди, шахсан унинг қўлидан нималар келади, коммунистлар анжуманнни у қандай меҳнат совғалари билан кутиб олиши мумкин. Мусобақа пешқадамларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шнори остида эълон қилинган мурожаати эълон қилинган газетани яна қўлига олди. Қандай омиллар ҳисобига улар меҳнат унумдорлигини оширишмоқчи экан. Иш вақтидан, ускуналарнинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланишмоқчи, хом ашёни рационал сарфлашмоқчи. Бундай имкониятлар уларда ҳам бор.

Шундай қилиб унда ватанпарварлик ташаббуси издошлари сафидан ўрин олиш фикри қарор топди. Бугун 2-пойафзал фабрикасининг бригадири, 1-цех бичувчиси М. Ҳ. Йўлчиева фабрикада зарбдор ўн кунликлар қандай ўтаётганлиги, КПСС XXVII съездига тайёргарликка қўшаётган шахсий ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади.

— Совет кишилари учун мамлакатимиз ҳаётидаги шонли воқеаларни зарбдор меҳнат билан кутиб олиш яхши анъана бўлиб қолган. КПСС XXVII съезди партия ва давлатимиз ҳаётида муҳим босқич бўлади. Ана шу съездни 1986 йил 25 февралда чақириш тўғрисида қарор қабул қилган КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида олдимизга аниқ вазифалар қўйилди. Бу вазифаларнинг бажарилиши совет кишилари фаровонлигини ошириш, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Фабрикамиз бригадалари, айрим ишчилари КПСС XXVII съездига тараддуд кўра бориб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишди. Шулар қаторида мен ҳам борман. Мажбуриятларнинг бандларида кундалик иш унумини 130—140 процентга етказиш, партия съезди очиладиган кунга қадар 12.000 квадрат дециметр чарм маҳсулотларини тежаб қолиш, икки кун иқтисод қилинган чарм маҳсулотларни ҳисобига ишлаб бериш, 1986 йил икки ойлик планини 18 февралгача бажариш кўзда тутилган. Иқтисод қилинган чармдан 600 жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Мажбуриятларни бажариш, уни амалий иш билан мустаҳкамлаш лозимлигини яхши биламиз. Мажбуриятдаги рақамлар биз ишлаб чиқараётган маҳсулотларда ўз ифодасини топиши лозим.

Мен бошлиқ бригадада 6 киши ишлайди. Биз пойафзал бошлиғини бичамиз. Сўнгра заготовка ишлаб чиқаришнинг бошқа потоғига ўтади. Биз ўз вазифамизни нақадар сифатли бажарсак, буюмларнинг сифати ҳам шунчалик яхши бўлади. Бригада аъзолари учун барча иш жараёнларини сидқидилдан бажариш қонун бўлиб қолган. Ҳар бир кишининг бутун коллективнинг якуний иш натижаси учун юксак масъулияти ижобий натижалар келтираяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга техника назорати бўлимидан эътирозлар йўқ. Ҳ. Аҳмедова, А. Турғунова каби мусобақа пешқадамлари фидокорона меҳнат қилибгина қолмай, бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Фабрикамизда бундай илғорлар оз эмас. Улар ҳам маҳсулот кўлами учун, ҳам сифати учун курашадилар. Маҳсулот сифати эса энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. — Мисол учун биз кўплаб пойафзал ишлаб чиқарсагу, аммо у модага жавоб бермаса, тез йиртилса бундай маҳсулот кимга керак. Уларни ҳеч ким харид қилмайди. Маҳсулотимиз сифатига эса ҳали ҳам эътирозлар бор. Коллективимиз буни яхши тушуниб, изчиллик билан ишлаб чиқаришни реконструкция қиляпти, янги дастгоҳлар жорий этяпти, сифат учун талабчанлик ошиб боряпти. Мисол учун технологиянинг ҳар қандай бузилишини бригадамизда коллектив бўлиб муҳокама қиламиз. Ердам керак бўлса мастерларга, инженер-ларга мурожаат қиламиз.

Ўйлаймизки, ҳар бир кишининг ва ҳаммасининг меҳнат натижаси учун масъулияти муваффақият келтиради. Биз ишга ана шундай муносабатни ўзимиз учун норма деб ҳисоблаймиз. Ҳозир бригада смена топшириқларини 110 процент бажараяпти. Ўйлаймизки, бу чегара эмас, бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Кун сайин биз КПСС XXVII съезди очиладиган кунга яқинлашяпмиз. Коммунистлар анжуманига меҳнат совғаларини тайёрлар эканмиз биз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сони билан бирга сифати ҳақида ҳам ўйлашимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак.

тонгги газеталарда

● 7 июнь куни Тошкент область партия комитетида бўлган кенгаш область, шаҳар, район партия комитетлари секретарлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари аппаратлари ходимларининг область партия ташкилотида бўладиган ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид вазифаларига бағишланди. Кенгашда область партия комитети секретарлари, бюро аъзолари, бўлим мудирлар, область партия комитети аппаратининг масъул ходимлари, шаҳар, район партия комитетлари иккинчи секретарлари, ташкилий бўлимларининг мудирлари, район партия комитети ҳуқуқига эга бўлган партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитети ва Тошкент шаҳар ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов доклад қилди.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: 1985 йил, 8 июнь куни Москва вақти билан соат 12 дан 50 минут ўтганда «Союз Т-13» космик кемаси орбитадаги «Салют-7» станцияси билан туташтирилди. Туташув узелининг герметиклиги текшириб кўрилганидан кейин космонавтлар Владимир Жонибеков билан Виктор Савиних станция ичига ўтдилар.

● Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси ҳамда Қўқон пойафзал фабрикасининг белгиси билан чиқарилаётган кўпгина буюмлар харидорларга манзур бўлмоқда. Ип газлама, трикотаж кўйлаклар ва футболкалар, кроссовка ва сандаллар жуда харидоргирдир. Ана шу молларнинг ҳаммаси иккала корхона коллективлари ташкил этган юксак сифатли ихтисослаштирилган потокларда ишлаб чиқарилмоқда. 10 июнь куни Тошкентда очилган семинар қатнашчилари буюмларнинг сифатини ошириш ва уларнинг харидорбоплиги хусусиятларини яхшилаш борасида тажрибасини ўрганмоқдалар.

• *ДУШАНБАДАГИ В. В. МАЯКОВСКИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ РУС ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ*

ТЕАТРГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

В. Маяковский номидаги Тожикистон ССР давлат рус драма театри Ўзбекистон меҳнаткашларини рус ва чет эл классиклари, совет драматурглари асарлари билан таништирди. Театрнинг гастрол афишаларида 14 та спектакль бор. Мольернинг пьесаси асосида саҳналаштирилган «Тартюф», Н. В. Гоголнинг «Уйланиш» спектакллари, В. Шукшин ва Ю. Бондарев асарларининг инсценировкалари, болалар учун постановкалар шулар жумласидандир. Тошкент саҳнасида тожик драматурги Н. Исломов пьесаси асосида саҳналаштирилган «Кутилмаган келин» водевилининг премьераси бўлди. Ижодий коллектив Олмалиқ кончилари ва металлурглари, Чирчиқ химиклари ва машинасозлари, Янгийўл меҳнаткашлари билан учрашдилар. Кўпмиллатли совет театр санъатини пропаганда қилишда муҳим роль ўйнаган, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга актив кўмаклашган, гастролларини муваффақиятли ўтказганлиги учун В. Маяковский номидаги Тожикистон ССР давлат рус драма театри Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Мукофотни театрга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов топширди.

(ЎзТАГ).





БОШ МАВЗУ— ЗАМОНАВИЙЛИК

Душанбадаги В. В. Маяковский номли рус Давлат драма театрининг Тошкентдаги гастроллари муваффақиятли давом этмоқда. Театр коллективи гастролга актуал замонавий проблемаларга бағишланган қатор спектакллар олиб келишган. Уларнинг кўп қисми ўз ҳаёт йўли остонасида турган ёш томошабинлар эътиборига қаратилган. Албатта, бундан театр шундай енгил ёшлар репертуарига бутун диққатини қаратган ҳолда иш олиб боряпти, деган хулоса чиқариш керак эмас. Театр репертуарида классик асарлар ҳам, жиддий муаммоларга бағишланган саҳна асарлари ҳам бор. Ёшлар бундай спектакларни катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун биргина «Характерлар» спектаклини кўришнинг ўзи етади.

Саҳнада, актёрлар талқин этган образларда Василий Шукшининг бетакрор тили, ижодий усули жуда жонли ифода этилган.

Тожикистон ССР халқ артисти В. Барбатко, артистлардан В. Гребеншиков, Я. Ильяшевич, С. Шамғунова, В. Тенигин, З. Блиндарева ва бошқалар ўз ролларини қизғин ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишмоқда:

Театрнинг бошқа кўплаб постановкалари ҳам режиссёр ва актёрларнинг маҳорати туфайли саҳнада муваффақиятли намойиш қилинмоқда.

СУРАТДА: «Характерлар» саҳна асаридан кўринишлар.

К. Ромеев фотоси.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА

● **Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таниқли ўзбек адиби Ойбек туғилган кунининг 80 йиллигига бағишлаб 20 дан ортиқ совға буюмларини ишлаб чиқариш учун тавсия этди. Булар адибнинг портрети акс эттирилган керамика, мис, ёғоч ўймакорлиги асарларидир. Айниқса Ойбекнинг ижоҳи акс эттирилган гилам ва каштачилик усули билан тикилган панно диққатга сазовордир. Уларни Хива гиламдўзлик ва Тошкент бадиий буюмлар фабрикалари тайёрлашган.**

● **Юнусобод массивининг Аҳмад Дониш кўчасида очилган янги телевизион ателье «Фотон» деб аталди. Устахона асосан рангли телевизорларни ремонт қилишга ихтисослаштирилган. Бунинг учун барча етарли шароит яратилган.**

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 12—14, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

КПСС XXVII съезди шарафига



Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попоп цехида кўплаб меҳнат илғорлари ишлашади. Фотима Содиқова мана 33 йилдирки, корхонада меҳнат қилиб, катта обрў-эътибор қозонган. Съезд олди вахтасида туриб меҳнат қилаётган ветеран ишчи айни кунларда 1988 йилнинг январь ойи ҳисобига маҳсулот топширяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори тайёрлаган маҳсулотлар доимо сифатлилиги билан ажралиб туради.
СУРАТДА: илғор ишчи Фотима Содиқова.
М. Нуриддинов фотоси.

• Беш йиллик вахтасида

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

...Атрофи девор билан ўралган қурилиш майдонида иш қизғин. Меҳнат симфонияси баралла янграмоқда. Қурувчиларнинг кайфиятлари баланд. Чунки улар яна бир меҳнат ғалабасини қучиш арафасида турибдилар. Гоҳида ҳазил-мутойиба ва қаҳқаҳалар вазмин ғийқиллаб ҳаракатланаётган кран овозини ҳам босиб кетади.

Объектда участка бошлиғи Сотиболди Ирисбоевни учратдик. У қурувчилар меҳнатидан мамнунлигини яшира олмади.

— Бизнинг 2-уйсозлик комбинатимизга қарашли 4-қурилиш бошқармамизнинг Илья Ким бошлиқ бригадаси Сапёрлар — Баранов кўчалари муюлишида тўққиз қаватли 128 квартирали уйни жадал суръатда қурмоқда. Янги такомиллашган сериядаги уйнинг планировкаси жуда ихчам ва қулай, хоналари кенг, ёруғ ва шинам. Шинам дейишимизнинг боиси бор. Чунки қурувчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг иш сифатига алоҳида эътибор бера бошладилар. Чунки пленумда қурувчилар иши сифатига талай эътирозлар билдирилди. Рост гап. Илгари биз иш сифатига кам эътибор берардик. Эндиликда у кундалик ишимизнинг бош мезонига айланмоқда.

Янги уй бир қатор қулайликларга эга. Лойиҳага кўра тўққиз қаватли уйнинг биринчи қаватида аҳоли учун қулайликлар яратилади. Чунончи, уйнинг биринчи қаватига озиқ-овқат магазини, нон дўкони, «Химчистка», прокат пунктлари, машинкада ёзиш пункти, «Қизил бурчак» ва бошқа маиший хизмат пунктлари жойлашади. Янги уй асосан тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми шу йилнинг январь ойида фойдаланишга топширилган эди. Дастлабки блок 32 квартирадан иборат. Мазкур блокнинг квартираларида ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини ўтказдилар. Уйнинг иккинчи қисми ҳам 32 квартирадан иборат. Бу бўлак ҳам фойдаланишга топширилди. Ҳамшаҳарларимиз Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида янги квартираларнинг калитларини олдилар. Байрам тароналари уй тўйлари шодиёнасига уланиб кетмоқда.

Уйнинг ҳар бир қисми учун 285,5 минг сўмлик маблағ ажратилган. Жами қурилиш-монтаж ишларида 1 миллион 142 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилиши керак. Ишни бир маромда олиб бораётган бунёдкорлар графикдан анча ўзган ҳолда боришяпти. Айниқса, КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақанинг суръати тобора кучаймоқда. Бригадалар юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир объектнинг учинчи ва тўртинчи блокларида монтаж ишлари поёнига етиб қолди. Бу жойларда бир йўла пардозлаш, дурадгорлик ишлари, санитария-техника жиҳозларини ўрнатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу ишларни бажаришда монтажчи Камол Илешов, ғишт терувчи Абдурашид Латипов, арматурачи Дониёр Ҳошимов, бетончи Ольга Демченко, пайвандчи Ҳаким Тўхтахўжаевлар бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

А. ҲАКИМОВ.

• СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

ВАТАНГА САДОҚАТ

1941 йилнинг 22 июнь тонги совет кишилари хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Гитлер Германияси тиш-тирноғигача қуролланган ҳолда мамлакатимизга хиёнаткорона ҳужум қилди. Унинг 190 дивизияга уюшган 4 минг танк, қарийб 5 минг самолёт, 48 мингга яқин тўп ва миномётлар билан қуролланган 5,5 миллиондан ортиқ қўшин мамлакатимизга бостириб кирди. Бутун совет халқи Ватан ҳимоясига отланди.

Дўст бошига ташвиш тушса, ҳақиқий биродар қараб турмайди, албатта. Украина, Белоруссия, Болтиқ ва Ватанимизнинг бошқа районлари фашистлар асоратига тушган бир пайтда ўзбек жангчилари уларга мададга бордилар, қардошларнинг тупроғини ўз ватани деб ҳис қилдилар. Чунки бутун совет халқининг Ватани ҳам, саодати ҳам бирдир. Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб партизанлик ҳаракати советлар тупроғини душмандан ҳимоя қилишнинг катта кучига айланди. ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1941 йил 18 июлда «Душман қўшинлари орқасида партизанлик курашини ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда фашист босқинчиларига қарши курашни ҳар томонлама кучайтириш, улар тузган тадбирларни барбод қилиш, босқинчиларга ва уларга ёрдам берувчиларга аямай зарба бериш, ҳамма жойда партизан отрядларини тузиш вазифалари қўйилганди.

Партия даъвати ҳамма жойда қизғин қарши олинди. Айниқса, немис-фашист босқинчилари томонидан босиб олинган районларда аҳоли партизан отрядларига уюша бошладилар. Партизан отрядлари, группалари тобора кўпайиб кўп миллатли йирик қўшилмаларга айланди, улар душманни ларзага келтира бошладилар. Ҳатто, гитлерчи қўмондонлар ҳаракатдаги армиянинг бир қисмини партизанларга қарши курашга ташлашга мажбур бўлдилар. Партизанлик ҳаракатида ватанпарвар ўзбекларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Ўзбек жангчиларидан тажрибали партизан отрядларининг командирлари етишиб чиқди. Тошкентлик комсомол аъзоси Б. Н. Валиев «Ватан учун» партизан отрядида бўлинма командири бўлиб ишлади. Отряд душманга қарши йирик операциялар ўтказди. Партизанлар Могилев- Жлобин темир йўлида душман қўриқчилари билан бир неча бор қаттиқ жанг қилдилар. Темир-бетондан қурилган бункер ичига жойлашган пулемёт партизанларга сира ором бермасди. Вақт ўтиб борарди. Аммо, ҳар дақиқа қиммат эди. Валиев душман пулемёти томон дадил борди ва граната бойламини бункерга ташлаб, пулемётнинг овозини ўчирди. Шундай қилиб, партизанлар темир йўлни издан чиқардилар.

Минск областида ҳаракат қилаётган Флегонов номидаги партизанлар бригадаси составида отлиқлар группаси бор эди. Группа штабига тошкентлик катта лейтенант Иван Иванович Романов бошчилик қиларди. 1943 йилнинг 20 июнида Лучно қишлоғига душманнинг жазо отряди келганлигини билиб, партизанлар жазо отрядига қаттиқ зарба бердилар. Гитлерчиларнинг 2929 солдати ўлдирилди. Аҳолидан тортиб олинган чорва моллари эгаларига қайтарилди, Германияга олиб кетилаётган 34 киши қутқазиб қолинди. И. И. Романов бу операцияга бошчилик қилди ва у биринчи даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

1943 йил май ойининг бошларида немислар қўмондонлиги Брянск ўрмонларида ҳаракат қилаётган партизанларга қарши икки дивизиядан иборат пиёда аскарларни, танк бўлинмаларини ва авиация полкини ташлади. Шунга қарамай партизанлар душманга қақшатқич зарба бердилар. 19 майдан 3 июлга қадар бўлган жангларда партизанлар душманнинг 3250 солдат ва офицерини ўлдирдилар, 4 танкини, 7 бронемашинасини, 9 мотоциклини яксон қилдилар. Бу жангларда тошкентлик Николай Яковлевич Волошин намуна кўрсатди.

Ўзбек халқининг паҳлавони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Мамадали Топиболдиев бутун Белоруссияда Мамадали партизан номи билан машҳур бўлди. Мамадали хизмат этган бўлинма қуршовда қолган эди. Аммо, совет кишилари душман билан то охирги дамгача мардона олишдилар. Кўпгина жангчилар қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Мамадали ва унинг дўсти Киртич ёв ҳалқасини ёриб ўтиб ўрмон ичига кириб олдилар, ўрмонда партизанлар бор эди. Мамадали партизанлар отрядига қўшилиб, душманнинг додини бера бошлади. Ҳаттоки душман Мамадалини тутиш пайига тушди ва уни тирик келтирган кишига катта инъом беришга ваъда қилди. Аммо, шиддатли жангларда чиниқиб камол топган Мамадали ўзининг ҳарбий маҳоратини ошириб, душманга қирон келтираверди. Сал вақт ичида Мамадали бошлиқ бўлган партизанлар группаси душманнинг 100 га яқин солдат ва офицерини қириб ташлади, 180 киши асир олинди, 6 автомашина яксон қилинди, ўқ-дори, қурол-аслаҳа ортиб келаётган эшелон жарга қулатилди. Мамадалининг жасур ҳаракатлари муносиб тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 1 сентябрь Фармони билан Мамадали Топиболдиевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Бунгача унинг кўкрагини Қизил Юлдуз ордени, «Жасурлиги учун» медали безаб турганди.

Колхоздаги партизанлар бригадаси составидаги Максим Дмитриевич Ваньков бошлиқ бўлган партизанлар отрядида тошкентлик гвардиячи лейтенант Галина Валерьяновна Шубина ҳам бор эди. У партизанларга медицина ёрдами беришда катта хизмат қилди ва жанговар ишлари учун ҳукуматнинг орден, медаллари билан мукофотланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ғалаба учун, Улуғ Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда мислсиз жасорат кўрсатган республикамиз фарзандларининг қаҳрамонликларини муносиб тақдирладилар. 280 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга бўлди. 32 киши эса I—II—III даражали «Шуҳрат» ордени нишондори бўлди. 120 мингдан ортиқ киши ҳукуматнинг орден ва медаллари билан мукофотланди. Улар орасида жасурлик кўрсатган ўзбек партизанлари ҳам бор.

Лутфулла ҲАМРОЕВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

• ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

КОРХОНА МУЗЕЙИ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида жанговар ва меҳнат шуҳрати музейи ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бу ерда жуда кўп тарбиявий ишлар амалга оширилмоқда.

Завод Улуғ Ватан уруши йилларида фронт учун жанговар қуроллар ишлаб чиқарди. Музей экспонатлари орасида уруш йилларида ишланган миналардан намуналар қўйилган.

«Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» деб номланган экспонатда жангда ҳалок бўлган ишчиларнинг исми ва фамилиялари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Навбатдаги экспонатга эса Улуғ Ватан уруши йилларида заводда ишлаб, ўзларининг машаққатли меҳнатлари билан Ғалабага ҳисса қўшган Абдураҳим Ёрматов, Жўра Ёқубов, Эгамназар Содиқов ва бошқаларнинг фотосуратлари, ҳужжатлари қўйилган. Ҳозир юздан ортиқ уруш ва меҳнат ветеранлари ёшларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳам суратлари музейдан жой олган. Ватан озодлиги учун қурбон бўлган 26 жангчининг сурати алоҳида экспонатдан ўрин олган.

Музей ташкил этилганига энди уч йил бўлди. У уруш ветеранлари Совет комитетининг диплом ва вимпели билан мукофотланди. Шу фактнинг ўзиёқ музей ишининг намунали эканлигидан даракдир. Музейни ҳозиргача 17244 ўқувчи, ишчи, хизматчи келиб кўрди. Мактаб ўқувчилари 843 марта экскурсия уюштиришди. Комсомол ва партия билетлари ҳам музейда тантанали равишда топширилади. Корхонада ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш яхши йўлга қўйилган. Ҳарбий ўқув пункти мунтазам ишлаб турибди. Пунктга запасдаги офицер, уруш ва меҳнат ветерани Михаил Толгачёв раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда асосан чақирилув ёшидаги ўсмирлар билан машғулотлар олиб борилади. Дарслар ҳафтада икки кун ишдан ажралган ҳолда ўтказилади. Машғулотлар октябрь ойида бошланиб, июнда синов топшириш билан якунланади. Бу ерда ўқиганлар ГТО нормативини бажаришади. Шу боисдан ҳам заводдан ҳарбий хизматга чақирилган ёшлар жанговар техника сирларини қийналмай ўзлаштиришмоқда.

Н. БЕКМИРЗАЕВ.

№ 5 (26)

ВАТАНПАРВАР



«ВАТАНПАРВАР» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ ҚОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИНГ РАИСИ, СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ.



• Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИКНИ ОШИРИБ

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг бўлинма ва қисмпаларида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кун сайин авж олиб бормоқда. Командирлар, жангчиларнинг ҳам мақсади бир — тарихий санани муносиб кутиб олишдир.

Барча соҳада бўлганидек, ҳарбий қисмларда ҳам мусобақани ташкил этиш анъанаси мавжуд. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан ташкил этилган социалистик мусобақа пайтида ҳаёт-мамот жанги пайтида жангчи ва офицерлар, бирлашмалар ва қўшинлар кўрсатган жасоратларнинг тарихи мукаммал ўрганилди. Тактик машғулотлар пайтида эса замонавий қурол ва техникани ўзлаштириш даражаси синовдан ўтказилди. Баҳорги умумий синов вақтида тўпланган тажрибалар ва маҳорат яна бир марта кўрикдан ўтди. Жангчилар ва командирлар ўзларига ишониб топширилган муҳим вазифа — Ватан посбонлигини, жанговар техника сирларини пухта ўзлаштирганликларини амалда исботладилар.

Ҳозир қисм ва бўлинмаларда тажрибани янада бойитиш, сафга келиб қўшилган ёш жангчиларга ҳарбий билим сирларини қунт билан ўргатиш, уларни ҳар жиҳатдан жасур ва ҳозиржавоб посбонлар қилиб тарбиялаш борасида катта ишлар қилиняпти. Баҳорги синов пайтида сержант Михаил Воронцев командирлик қилаётган расчёт барча топшириқларни вақтида ва нуқсонсиз бажариб, намунали расчёт номини қўлга киритди.



СУРАТЛАРДА: (чапда) расчёт ўқловчиси М. Воронцев; (пастда) гвардиячи, катта лейтенант К. Шнайдер оддий жангчи Р. Маҳмадовга қуролдан мўлжални нишонга олишни ўргатмоқда.
А. Кудряшов фотолари.

Ўткир РАШИД

ЁҒИЛ, ШЕЪРИМ

(ҒАЛАБА НАҲОРИДА)

Ёғил, шеърим, ёғил ёмғирдай,
Ёғил, қанча ёғилсанг-да, кам.
Ёғил кўзим нуридек, бу дам
Юрак ёнаётир ёнғиндай.
Бугун юртим ўз зафари-ла
Жаҳон бўйлаб довруқ солган кун.
Бугун ғолиб, ботир халқимнинг
Қудратига ясалди якун.
Ҳамма ёқда суҳбат, ҳол бошқа,
Туғилгандай олам янгидан.
Кўз ташласанг ҳар қари, ёшга,
Оловланар севинч рангида.
Қулоғимда янграй бошлади,
Яна кулки, яна шод оҳанг.
Менга яна нур бағишлади
Ғолиб қизил байроқдаги ранг.
Кўз олдимдан ўтдилар бир-бир
Ёв кулини совурган шерлар.
Қора издан, қора соядан
Тозаланган чаманзор ерлар.
Кўз олдимдан ўтдилар яна
Дон водийси, Волга бўйлари.
Юртда қийғос таралди яна
Озодликнинг янгроқ куйлари.
Ёғил, шеърим, ёғил ёмғирдай,
Ёғил, қанча ёғилсанг-да кам.
Ёғил кўзим нуридек бу дам,
Юрак ёнаётир ёнғиндай.

1945 йил.

Уч жангчи

ҚАЕРДАСИЗ ҚУРОЛДОШЛАР!

Яқинда редакциямизга баланд бўйли бир киши кириб келди. Ўзини Ештой Сулаймонов, деб таништирди. Чўнтагидан бир сурат олиб, столга қўйди. 1943 йилда Киевда олинган бу суратда уч жангчи тасвирланган эди. Чап томондагиси —Ештой Сулаймонов дўстларини таништира бошлади:

— Ўртадаги катта сержант Ботир Толипов, ўнгдагиси эса Дадабой (сурат орқасига лотин алифбесида қалам билан битилган ҳарфлар ўчиб кетганлиги учун ўқишнинг иложи бўлмади. Ваъдабой бўлиши ҳам мумкин) Қурбонов. Улар тошкентлик эди. Қурбонов урушга қадар пахта тозалаш заводида механик бўлиб ишлаган. Толипов анча ўқимишли, шоиртабиат йигит эди, кундалик тутарди...

Улар бир қисмда, 136-Қизил байроқли Киев дивизиясининг 342-ўқчи полкида хизмат қилишган. Полк 1943 йилда Ленинград яқинидаги Илишокин қишлоғида уюшган. Кейин жанговар фаолиятини бошлаган. Уч жангчи ҳам бир батареянинг кичик командирларидан эди. Ботир Толипов разведкачилар, Дадабой Қурбонов озиқ-овқат, Ештой Сулаймонов ўқчилар взводига командирлик қилган.

Полк жуда катта жанговар йўлни босиб ўтган. Зенков шаҳри фашистлардан озод қилингандан сўнг Курск йўналишидаги ҳал қилувчи жангларда қатнашган. Харьков, Борисполь, Дариниц, Киев, Гнедич шаҳарларини озод қилишга ҳисса қўшган.

— Шу жангларда довюраклик ва мардлик кўрсатганлигимиз учун Дадабой Қурбонов ва менга «Жанговар хизматлари учун» медали берилган эди, — дея эслайди Ештой ака Сулаймонов. — Улар билан 1944 йилнинг 19 июлигача бирга бўлганман.

Шу куни Польшадаги Буг дарёси соҳилларида беомон жанг бўлди. Чап соҳилдаги фашистлар мустаҳкам истеҳком ҳосил қилишган эди. Қаттиқ артиллерия отишмаларидан сўнг душманнинг олдинги марралари кучлари, ўқ отиш нуқталари яксон қилинди. Қисмларимиз зафарли «Ура!» садолари остида дарёдан ўтишди. Ештой Сулаймонов минага дуч келиб қолди. Осколка унинг чап оёғи сон суягини мажақлаб кетди. Олдинга бораётган жангчи сафдан чиқди, ҳушидан кетиб йиқилди.

— Кўзимни очганимда Дадабойни кўрдим, — деди Ештой ака. — Ўқ-дори ортилган аравани бўшатиб, унга мени ётқизди. Отлар тизгинини тутиб турган жангчига дарҳол дала госпиталига етказишни буюрди. Сўнг юзимга термилиб соф ўзбек тилида «Қўрқма дўстим, соғайиб кетасан. Биз ҳали учрашамиз» деди ва олдинга чопиб кетди.

У қўлида қурол билан мамлакатимиз территориясида фашистлар кўрсатган қирғинбаротдан сўнг, бегуноҳ ўлган оталар ва оналар, орзусиз қолган йигит ва қизлар, ҳаётга келиб дарҳол кўз юмган мурғак гўдаклар қасдини олиш учун олдинга бораётган эди! Бу жангчининг тақдири нима бўлди?

— 1969 йилда уруш пайтида взводимда хизмат қилган оддий жангчи Иван Васильевич Богуч билан Киев область, Борисполь районидаги Рогозовка қишлоғида учрашдим,— деб жавоб берди Ештой ака. — У батарея Берлинга ҳужум операциясида қатнашганлиги, кейин Прага қўзғолонини бостиришда иштирок этганлигини айтди. «Бир батареяда бўлганлигимиз учун биламан: Ботир Толипов ва Дадабой Қурбонов уйларига эсон-омон қайтишган» деди.

Бу ҳақиқатми ёки тахминми? Шу саволга жавоб топиш ниятида Ештой ака Сулаймонов редакциямизга кириб келди. Унинг жанговар дўстларининг албатта жавоб беришларига ишончи комил. Шунинг учун ҳам адресини ёзиб қолдирди. **Қозоғистон ССР, Толдиқўрғон области, Панфилов район, Кўктов қишлоғидаги Карл Маркс кўчасида яшовчи Ештой Сулаймонов.**

—Мендаги сурат ягона эмас, —деди хайрлашар экан Ештой ака, — Дадабойда ҳам, Ботирда ҳам бор. Уларни тўкин хонадонимда интизорлик билан кутяпман.

М. ОТАХОНОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ

СОФИЯ. БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БХР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари А. Луканов ТАСС мухбири билан суҳбатда Болгарияни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг асосий шарти — унинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашида эришилган аҳдлашувларга асослансак, ҳозир Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ихтисослашиш ва кооперациялашни янада ривожлантириш, ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда, илмий-тадқиқотлар ва ечимларда кучқувватлар бирлаштирилишини рағбатлантирувчи янги шакл ва методларни яратиш муҳим вазифадир, деди у.

Фан-техника соҳасида ва моддий-техникавий ишлаб чиқаришда социалистик интеграция БХР тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Болгариянинг фан ва техника соҳасида Совет Иттифоқи ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик проблемалари биргалашиб ишлаб чиқилаётганлигини ва шу билан бирга қўшма илмий коллективлар тузилаётганлигини ўз ичига олади. Шу соҳада муайян ютуқларга эришилди. Масалан, Болгария — Совет «Интерпрограмма» ташкилоти яхши ишлаб турибди. Пайвандлаш ишларини роботлаштириш ва автоматлаш масалалари юзасидан қўшма лаборатория тузилмоқда. Рангли металлургия учун машина-ускуналарини лойиҳалаш соҳасида қўшма конструкторлик бюроси ҳам муваффақиятли ишламоқда.

Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан ҳам шундай ҳамкорлик шаклларини ривожлантириб бормоқда. Масалан, «Интерлихтер» транспорт ташкилоти катта-катта афзалликлари борлигини практикада намойиш этди. Бугунги кунда шу ташкилот илғор транспорт технологияларини ўзлаштириш соҳасида пешқадам бўлиб қолди.


А. Луканов таъкидлаб айтдики, Болгарияда социалистик иқтисодий интеграциясиз машинасозлик, электротехника, станоксозлик, химия, электроника каби тармоқлар ривож топа олмаган бўлур эди. Ҳолбуки, айни шу тармоқлар БХР халқ хўжалигида муайян ўрин эгаллаб турибди.

ВЬЕТНАМ ҲУНАРМАНДЛАРИНИНГ ВИСТАВКАСИ

ХАНОЙ. Хошиминда очилган виставка-ярмаркада юнг гиламлар ва жут шолчалар, қимматбаҳо дарахтдан ишланган мебель, чинни ва фаянс идишлар, заргарлик безаклари, спорт асбоб-ускуналари — майда саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг бошқа хил маҳсулотлари намуналари кўрсатилмоқда.

Шу беш йилликда ВСР халқ хўжалигининг мана шу тармоғи илғор мавқени эгаллади. Унда ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсиши 16 процентга етди. Ўтган йилнинг ўзидагина давлат топшириқлари 10 процент ошириб бажарилди. Чет элларда ғоятда харидоргир бўлган экспорт маҳсулотлар тайёрлаб чиқариш илдам суръатлар билан кўпайтириб борилмоқда.

Ҳунармандчилик доирасида чуқур социалистик ўзгаришларни амалга ошириш шу соҳани жўшқин ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Вьетнамлик усталар азалдан шуҳрат қозониб келган кўпгина анъанавий ҳунарларнинг сирлари бугунги кунда кўпларга ўргатилиб, коллектив асосида бойитиб борилмоқда. Бу эса фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг кўламда жорий этишга, хом ашё ва материаллар билан таъминлашдаги қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда, аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш яхшиланмоқда, давлатнинг экспорт даромадлари ортмоқда.



Чехословакияда халқ миллий санъати анъаналари асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда миллий халқ усталари бирлашган кооперативлар ташкил этилган. Уларнинг ишлари бир қатор халқаро кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этилмоқда.

СУРАТДА: Шарқий Словакиядаги Вернар қишлоғида истиқомат қилувчи халқ устаси Малена Брондошова ва унинг шогирди. Бу ўлка азалдан халқ талантлари билан ҳақли равишда фахрланади.

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

НЬЮ-ЙОРК. Ривожланаётган мамлакатлар ўртасида техникавий ҳамкорликни обзор қилувчи комитет иштирокчилари халқаро илмий-техникавий муносабатларни қайта қуриш, ривожланаётган мамлакатларда тараққиётни кучайтиришда БМТнинг ролини кучайтиришнинг муҳимлигини таъкидладилар. Бу комитетнинг навбатдаги сессияси БМТнинг қароргоҳида ўз ишини тамомлади.

Ёш давлатлар «фан-техника революциясининг ўгай фарзанди» аҳолига маҳкум этилиб, саноати ривожланган мамлакатларга тобора қарам бўлиб қолаётган бир пайтда бундай аҳволга барҳам бериш зарурияти тобора кескин бўлиб қолмоқда. Ғарб давлатлари, биринчи навбатда АҚШ шу соҳадаги тараққиёт самараларидан фойдаланишда ривожланаётган мамлакатларнинг имкониятларини онгли равишда йўққа чиқармоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари-амалда

«Социалистик тузумнинг буюк инсонпарварлиги ва адолатпарварлиги барча салбий ҳодисаларни муросасизлик билан тугатишни талаб қилмоқда. Коммунистларни ана шу йўлдан бурибюбора оладиган ҳеч қандай куч йўқ.»
(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

● ТОШКЕНТ — ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ ● БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИДЕК ● ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ ● ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ ● ТЎЙЛАР ИЧКИЛИКСИЗ ЎТАДИГАН БЎЛДИ.





● Маҳаллада нима гап?

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

● ФОТОРЕПОРТАЖ





«Ёшларни партия ва халқимизнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияламоқ лозим», дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларида. Бинобарин маҳалла комитетлари ҳам давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этишга аҳолини кенг жалб эта бориб, гражданларни коммунистик ахлоқ, совет қонунларига риоя қилиш, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтиришлари керак.

Бу борада Акмал Икромов районидаги Фурқат номли маҳаллада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор бўлаяпти. Маҳалла комитети аҳоли ўртасидаги ишларни олдиндан пухта ўйлаб тузилган истиқболли план асосида олиб боради. У ёки бу тадбирни ўтказишдан аввал, мўътабар қариялар—Улуғ Ватан уруши ветеранлари, меҳнат ветеранлари билан маслаҳатлашиб олинади. Шу боисдан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчалар, ҳовлиларни озода, саранжом-сариштал а ш борасидаги ҳашарлар, маданий-оммавий тадбирлар уюшқоқлик билан ўтади. Айниқса, замон руҳига мос янгича анъаналар дадиллик билан турмушга тадбиқ этиляпти. Чунончи, умумхалқ байрамлари, касб байрамлари қизиқарли ўтяпти. Яқинда Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан уруш ветеранларини шарафлашга бағишланган тадбир айниқса, қизиқарли ўтди.

Маҳалла комитети ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беряпти. Шу мақсадда «Билим» жамияти лекторлари иштирокида мунтазам лекция ва суҳбатлар уюштирилади. Атеистик тарбияга эътибор кучайтириляпти.

Кейинги пайтда тўйларни ичкиликсиз, ортиқча ҳаражатларсиз ўтказиш борасида анчагина ишлар қилинди. Маҳалла аҳлининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида бу ишнинг янада кучайтирилиши юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.

—Партия ва ҳукуматимизнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш юзасидан белгилаган тадбирларини маҳалламиз аҳли қўллаб-қувватл а я п ти, —дейди маҳалла комитети раиси А. А. Азаматов.— Биз ана шу тадбирлар асосида тарбиявий ишларни авж олдиряпмиз. Чунки, ичкиликбозлик катта иқтисодий зарар етказибгина қолмай, ғайри ахлоқий ҳодиса ҳамдир.

Дарҳақиқат, Фурқат номли маҳалла комитети активистлар ва маҳалла отахонлари ёрдамида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида танқид қилинган салбий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан изчил иш олиб боряпти. Зеро, бугунги фаровон ҳаётимиз онгли турмуш кечиришимизни тақозо этмоқда.

***

СУРАТЛАРДА: 1. Фурқат номли маҳаллада истиқомат қилувчи бир группа Улуғ Ватан уруши ветеранлари; 2. Маҳалла активистларидан бири — салкам 90 ёшли отахон Л. Турсунхўжаев; 3. Маҳалла комитети раиси А. Азаматов; 4. Маҳалла хотин-қизлар советининг раиси С. Нормуҳамедова (ўнгдан тўртинчи) обрўли онахонлар билан навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашяпти.

Т. Каримов фотолари.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК—ИЛЛАТ

● **Ҳикмат—бир ҳовуч олтин**

Алкоголь— ёвуз душман

● Эй май! Агар сенда кишиларга озор беришдан бошқа бирор хусусият бўлганда, албатта унда сени ичиш раво кўриларди.
Абу Ало ал МААРИИ.

● Агар одамлар арoқ, вино, тамаки ва афюн билан ўзларини гаранг қилмасалар эди, ҳаётда қандай бахтли ўзгаришлар бўлар эди.
Л. ТОЛСТОЙ.

● Гарчи спиртли ичимлик оз миқдорда ичилса ҳам яхши фикрларни таг-томири билан кесиб юборади.
Г. ГЕЛЬМГОЛЦ.

● Алкоголь — ёвуз жаллод. Алкоголдан нобуд бўлганлар совуқдан, илон чақиб ўлганлардан ва жаллод қўлида ҳалок бўлганлардан кўп.
Н. СИКОРСКИЙ.

● Ичилган спиртли ичимликлар одамни ҳайвон ва йиртқич қилади.
Ф. ДОСТОЕВСКИЙ.

● Алкоголь — фирибгар, организмга таянч бўлиб кўринади, лекин тобора ақлни камайтиради.
А. ДАНИЛЕВСКИЙ.

● Кайф таъсирида шундай ярамас ишлар қилинадики, терининг қалинлигига қарамай, титрашга тўғри келади.
Ж. ЛОНДОН.

● Ўзимнинг шахсий тажрибам, юз йиллардан зиёд давом этган отамнинг ва бобомнинг тажрибалари туфайли менда шундай ишонч ҳосил бўлдики, дунёда ҳеч қандай сабаб спиртли ичимликларни кўп ичиш орқасидан келиб чиқадиган азоб-уқубатлар ва касалликлар каби оғир оқибатларга олиб келмайди.
Ч. ДАРВИН.

● Алкоголь қурбонларининг зурриётларида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатлар катта доғ қолади: улар ишёқмас, беқарор, ақлий жиҳатдан қолоқ ва маънавий ҳисси кучсиз бўлади.
Н. Н. БЛОХИН.

● Ичкиликка берилган оналарнинг туққан болалари бу борада ўз оналарига ўхшаш бўлади.
АРАСТУ.

● **Биласизми?**

Арақнинг касофати

● 1000 га яқин тентак болаларнинг 500 тасида отаси, 70 тасида онаси, 70 тасида ҳам отаси, ҳам онаси спиртли ичимлик истеъмол қилар экан.

● Тутқаноқ касалига дучор бўлган 100 та боланинг 60 тасида ота-онаси арақхўр бўлган.

● Ичилган ҳар 100 грамм спиртли ичимлик спортчини икки ҳафтага ишдан чиқаради.

● 75 грамм арақ ичилгандан кейин орадан ярим соат ўтгач мускуллар кучи 20—40 процентга пасаяди, меҳнат унумдорлиги ҳам сезиларли даражада камаяди.

● Ҳатто 100 грамм арақ актив ишлаётган 7500 та ҳужайрани нобуд қилади.

● Ичкиликбозларнинг 23 процентга яқини маст бўлган пайтида ва бош оғриғини қолдириш учун ичган вақтида ўзини ўзи ўлдиришни ўйлайди ёки шу ишни содир қилади.

● Алкоголни суиистеъмол қиладиган кишилар бошқаларга қараганда ўртача ҳисоблаганда икки баравар тез ва 4 баравар узоқ муддатга хасталикка чалинадилар. Ичкиликбозларнинг 70 процентида хроник тарзидаги ошқозон яллиғланиши касаллиги авж олади, уларда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг беш баравар, юракнинг тўрт баравар, ўпканинг икки баравар кўп касалланишга мойиллиги юз беради. Бундай кишилар ўртача 15—20 йил умрни кам кўрадилар ва камдан кам ҳолдагина 60 ёшга етадилар.



Ичкиликбоз —Эй, арақ, сени деб ҳамма нарсамдан, хонумонимдан айрилдим, яна нимамдан айирмоқчисан, номард!
АРАҚ: — Ширин жонингдан айирсам бўлди, кейин тинчийсан, бўтам.



СОТУВЧИ: — Нима бало, бугун хушёрмисиз, беш тийин қайтимингизни ҳам сўраяпсиз!



ИЧКИЛИКБОЗ: —Хавотирланмай ичавер, хушёрхонанинг машинаси қўлга тушолмайди.

Ш. Субхонов ва А. Ҳакимов расмлари.

Ўктам УСМОНОВ



РОМАНДАН ПАРЧАЛАР

Ёзувчи Ўктам Усмонов ўзининг янги асарини «Қисмат» деб номлаган. Романда ҳаётга мустақил қадам қўйиб келаётган ўсмирлар ва ёшларнинг жозибали, мураккаб, серташвиш ҳаёти, уларда граждданлик фазилатларининг шаклланиши, бу йўлда қанча-қанча қийинчиликлар, ғовларни енгиб ўтиш зарурлиги ва умуман, ҳалоллик, поклик учун кураш инсоннинг олий қисмати эканлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинган. Чиндан ҳам ўсмирлик —бўлажак гражданнинг келгуси бахти, қисмати яратиладиган фасл...

Роман келгуси йили «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилади. Қуйида шу асардан парчалар бера бошлаймиз.



Ҳамма нарса вақтга боғлиқ; Саттор аста-секин тоғасиникига кўникди. Жиянлари уни «ака» деб чақирадиган, гоҳ-гоҳ ойиси ёки дадасини эслаганда хомушланиб қолмаса, худди шу хонадонда туғилиб ўсгандай оилага бутунлай киришиб кетди...

Ҳа демай Саттор ўрта мактабни битирадиган вақт ҳам келди. Айни аттестат олишига бир ойча қолганида яна тоғаси билан ораларида гап қочди. Бувиси раҳматлик ҳовли-жойни сотсам ҳам Сатторжонимни ўқитаман, дея ният қиларди нуқул. Бу Сатторга ҳам хушёқиб, ўзини бўлажак студентдек ҳис этиб юрарди доим. Мана, бир ойдан сўнг ўнинчини битиради. «Қаерга кирсам экан!...» Саттор хайрон, ўйлаб қараса, мундай бир ичини ёриб маслаҳатлашадиган одами ҳам йўқ экан. Тоғаси бунақа гапларни тушунмайди. Рўзғор катта, бола-чақа кўп, бир ўзи ишлайди. Унга қолса, «Саттор ҳам энди бўйнини бўйинтуруғдай қилиб юравермасдан битта ишнинг бошини тутиши, у-бу жамғариб, тезда бир бошини икки қилиб олиши керак... Эркалигини кўтарадиган, беш-олти йиллаб ўқитиб қўядиган ота-онаси бўлса эканки, бундай юрса... уйлантирса ҳозир бола кўрадиган йигит, совуқ сувга ҳам қўл ургиси келмайди-я, тавба-а...» Аммо тоғаси кўнглидаги бу гапларини очиқ айтолмасди. «Ҳали ёш, қуйилиб қолар... еганда бир луқма нарса еса... Калласидан шамол ўтиб юрган пайти ўзи, шарт уйни ташлаб чиқиб кетса, эл-юрт ичида мен нима деган одам бўламан!.. Майли, юра турсин, ўзи бир кун қуйилиб қолар...» Тоғаси барибир чидолмади, бир кун дастурхон устида Сатторга гап ташлади:

— Жиян, мана, ўқишни ҳам битиряпсан, нима иш қилмоқчисан!

Саттор тоғасига қараб кулди-да, елкасини қисди. Унинг жавобини кутди. Тоғаси бўлса «ие, бу қанақаси» деб у ёнбошига ағдарилди ва гапни узоқдан бошлади:

— Мен тракторга ўтирганимда сен ҳали дунёда йўқ эдинг, жиян. Яратганга шукур, бировдан кам жойим йўқ. Ўн беш ёшимда трактор ҳайдаганман. Раҳматлик ойинг далага овқат таширди нуқул. Сен кўрмагансан бувангни, тўшакка михланиб ётар эди, раҳматлик. Бу ёқда шунча мўлкўлчилик бор экан, ҳе, номард умр, бир кўрсатмайсанми чолга, дея армон қиламан ҳалигача. Мана, жиян, кам бўлмадик. Одам деган эл-юртга керак нарсанинг бошидан тутиши керак. Бир хиллар гўрковни менсимай, ҳазар билан гапиради. Ҳамма савоб гўрковда-ку, э, калтафаҳмлар!

Шу ерда тоғасининг хотини жим туролмай:
— Вой, нафасингизни иссиқ қилсангиз-чи, бошқа гапингиз йўқми! — деди эрини жеркиб.

—Ана, кўрдингми, жиян! —Тоғаси ёнбошлаган жойидан туриб ўтирди. —Кўрдингми, одамлар қанақа!!! Ҳа, ахир, ўлганингда гўрков кўрмадими сени!! —Тоғаси кўзини лўқ қилганча хотинига тикилиб қолди. Хотини ҳам бўш келмай:

— Буларни менам биламан, нафасингизни иссиқ қилинг деяпман, холос, —деди-да, ўтирган жойида энгашиб-энгашиб товоқ-қошиқларни йиғиштира бошлади.

— Яна ўз билганидан қолмайди-я! — Тоғаси жаҳл билан юзини четга бурди. Кеннойиси гап улғаймасин дедими, қўлига илинган товоқ-қошиқларни олди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Тоғаси «тавба» деб қўйди ва узилган фикрини жамлаш учун пешонасини ушлаганча бир зум индамай қолди. Кейин яна гапини давом эттирди: — Йигит кишида ҳунар бўлиши керак. Ҳунарни яхши—ёмони йўқ. Ўз номи билан ҳунар у! Кеча, жиян, кечаси уйқум қочиб, кўп ўйлаб ётдим-да... онангни, дадангни, бувингни, ҳаммаларини эслаб чиқдим.

Шу пайт кичик ўғли ўртанча ўғли билан нимаиндир талашиб, бир-бирларини туртишаётган эди, тоғаси дарғазаб бўлиб:

— Чиқ, ҳамманг, кўчага! Қорин тўйди-да, а! — деб бақириб берди. Болалар шу заҳоти ташқарига отилишди. Тоғаси бемалол ёстиққа ёнбошлаб, жиянига меҳрибон қиёфа билан қаради:

—Мен билмайман-у кўнглингдагини, аммо битта гапим бор сенга, жиян...—У шундай деб Сатторнинг жавобини кутди. Саттор ҳам ерга қараганча тоғасининг кейинги сўзини кута бошлади.

— Сенга насиҳат қилиш — бизга бурч, жиян, сен уни оласанми, йўқми— бошқа гап. Худога шукур, соппа-соғсан. Насиҳатимни олсанг —ҳайҳай, олмасанг— билганинг, мен сени зўрламайман... Кеча ўйлаб ётиб, бир нарсани хаёлимдан ўтказдим, жиян. Ҳамма нарса қўлингдан келадиган боласан ўзинг. Колхоз годовойида данғиллатиб рубоб чалишларинг, шеър айтишларинг, ҳатто раисимизгаям ёққан. Энди шу ҳунарни ташламай... ана, Марҳамат буванг ҳам шарти кетиб, парти қолган одам... ўшанинг ҳунари эл-юртга жуда керак ҳунар... Кеча ўйлаб ётиб бирдан шу гап миямга келди! Нима дейсан, жиян!

Саттор аввалига юзлари қизиб кетди; кейин жиззакилиги тутиб тоғасини бир ўйиб олмоқчи эди, жиянининг индамай қолганини тоғаси ўзича йўйди шекилли, яна насиҳатини чўзди:

— Сен ақлли йигитсан, ўйлашинг керак. Сени беш-ўн йил ўқитадиган ота-онанг бўлса экан.. Кетмон сенга оғирлик қилади, шу сурнайчилик тузук. Озода иш. Қишлоққа керак иш. Бир хил оғзига кучи етмаганлар бунақа ишга паст назар билан қарайди. Чўнтагини ағдарсанг, бир мириси йўқ-у, олифтагарчилиги оламни бузади. Сурнайчи битта тўйдан қанча топади, буни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган...

Саттор бошини ерга эгиб олди. Туриб кетишини ҳам, тоғасининг гапини қайтариб ташлашни ҳам билмай, руҳи аллақандай ўксиб, тили калимага келмай ўтираверди.

— Сердаромад иш бу, жиян. Мираҳмат бува қари. Тўйда чалса, чорларга кучи етмайди. Эрталабки ошда битта Шониғмат ноғорачининг ўзи терлаб-пишди. Жиян, хўп десанг, ёмон бўлмайди. Машшоқликдан хабаринг бор, фақат бир-икки тўйда ёнида юриб, хадисини олсанг бас. Кейин ёнингда жарақ-жарақ пул. Иззат-икром. Одамлар эшигингни қоқиб келиб, оғзингга қараб туришади. Кўринмайдиган иш-ку ўзи, аммо топар-тутаринг жойида бўлади, жиян. Бу ёқда битта ақллигина... чиқиб қолса... участка ер оласан кейин... Олифта кийиниб, пўрим юрмаганинг билан қулоғинг тинч, бола-чақанг тинч, еганинг олдингда...

Шу ерда Саттор кутилмаганда «қўйинг бу гапни» деб юлқинди. Тоғаси унга бир зум ҳайрон бўлиб тикилиб турди, кейин:

— Ҳа, ёқмадими!! — деди аллақандай ўчакишиб.— Ёқмаган бўлса билганингни қил. Мен сени деб жон куйдираётганим эди. Ўзинг биласан унда жиян.

— Ўқийман.

— Қандай қилиб ўқийсан! Нимангга ўқийсан! Қурбим етмайди мени. Ўқишга киритишга пулим ҳам, таниш-билишим ҳам йўқ.

Саттор яна ерга қаради. Ҳақиқатан сал қимирласа, ҳатто шаҳарга бир тушиб чиқишга ҳам пул керак. Саттор уни қаердан олади!..

— Ҳовлимиз бор. Шуни сотсам ҳам ўқишга кираман, бувим шундай деган, —Саттор бу гапни ҳозир қандай айтиб юборганини ўзи сезмай қолди.

— Ие, ие, бу хомхаёлни қаердан олдинг!! — Тоғаси нақ ўрнидан туриб кетаёзди.— Сендан сўраяпман, тирранча!! Кафангадо бўлмоқчимисан! Яхшиям шу ҳовли бор экан, ғалча, шукур қил шунга. Кўчада қолардинг бўлмаса, ким сенга бир тишлам нон берарди!! Менга ишонма, бола, сенсиз ҳам ташвишим етади. Е, тавба, чаёнинг заҳаридай тилингни. қара-я! Бу гапни бир айтдинг, иккинчи тилга олма! Бу ердаги чўпни бу ерга олмаган тирранча ҳовли сотармиш!..

Саттор барибир кўнглидагини тоғаси тушунмаслигини билиб, индамай ташқарига чиқиб кетди. Тоғаси ҳам «ҳой, тўхта» деб ўтирмади; хойнахой, жиянининг шаддодлигидан эсанкиради шекилли, ўтирган жойида тутоқиб, нималардир деб ғулдираганча қолаверди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Тоғаси эрталабки чой устида хотинига бир қараб олди-ю, икки-уч марта томоқ қирди, яна ўша гапга қайтди:

— Хўш, жиян, ўқимоқчи экансан, қайси ўқишга кирмоқчисан!

Саттор тоғасига зимдан бир қараб қўйди-да:
— Институтга, — деди.

— Менга тушунтириброқ айт. Мен қайдан билай институтингни, ўқиб келсанг ким бўласан!

Сатторнинг лабларига хиёл табассум югуриб:

— Тошкент давлат пединститути, Низомий номидаги. Ўқитувчи бўламан,—деди тоғасига умидвор боқиб.

— Ие,ҳа-а, ўқитувчими! Дарвоқе, колхозимиз ҳам Низомий номида-ку, а! —Тоғаси негадир кўкрагини кериб қўйди. Сенга яхши бўлармикин десам, ранжиб юрибсан, жиян. Кеннойинг билан маслаҳатлашдик. Майли, ўқишга борсанг —бор. Кейин армон қилиб юрма тоғангга ўхшаб, жиян. Лекин уни-буни сотаман дема, ҳали шундай кунингга ярайдики. Пул мул бўлса, ахир, бегонамассан-ку, жиян, бир йўли топилар. Бу йил экин-тикин дуруст. Пулдан ташвиш қилма, жиян. Бош омон бўлса, дўппи топилар..

Саттор бундай бўлишини кутмагани учунми, кўзларига ёш қуйилиб келганидан юзини четга бурди. Буни тоғаси ҳам, кеннойиси ҳам сезди; кеннойиси ух тортди, тоғаси эса ҳазил-мутойибага ўтди:

— Мени бир айтди дейсанлар барибир! Ҳали афсусланасан, жиян. Ҳозир дарахтни силкитса, дув-дув ўқиган тушади. Бемаза қовуннинг уруғи кўп. ...Сурнайчиликни ҳеч ким менсимай қўйди. Аммо сурнайчи керак элга. Қадри ошиб бораверади бунақа ишлар.

— Ҳаҳ, қўйинг, шу сурнайингизни! — деди кеннойиси эрига танбеҳ беришдан ҳам кўра, Сатторнинг кўнглини кўтариш маъносида. —Шунчалик ҳавасингиз тушган экан, ўрганиб қўя қолинг ўзингиз!! Мол—дунёсининг ичида яйраб юрардик биз ҳам...

— Э, хотин кап-катта одамсан-у, ақлинг йўқ,— деди тоғаси астойдил афсусланиб. — Ёш кетди, нафас қаёқда сурнайга. Жон деб ўрганардим-а. Қаридим, хотин, қаридим...

... Саттор ниҳоят аттестатни ҳам олди. Олий ўқув юртига кириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларинияам тўғрилади. Бу орада яна уч-тўрт кун ўтиб, кўп ўртоқлари ҳар хил жойларга ҳужжат топшириб ҳам улгуришибди. Саттор Тошкентга тушай деса ёнида бир тийини йўқ. Якшанба ҳам ўтиб, душанбада эрталаб шаҳарга бормоқчи бўлди. Аммо ўрнига кириши билан юрагини ваҳим босди. «Эрталаб тоғаси ҳали у уйғонмасдан ишга кетиб қолса-я!» Ҳозир улардан пул сўрашга эса юзи чидамади. Тунов куни тоғаси бироз ичган эди шекилли, саҳийлиги тутиб, пулни ўйлама, деган эди. Мана, энди жим. Ҳар кунги оғзини пойлайди... Саттор бошини буркаб ётганча анча вақт кўзига уйқу илинмади. Ўртада ойиси ва дадасини эслаб кетди. «Ақалли бувим бўлганда ҳам...» дея ўзича хўрлиги келди...

— Сатторжон, бўла қолинг, эрталабки поезддан кечикманг, ана, тоғангиз пул ташлаб кетди сизга...

Кеннойиси Сатторни шундай деб уйғотди. Саттор туш кўраётгандай, бироз хомуза тортиб ўтирди; кейин кеннойиси имлаган токчага чўзилиб қаради: учта ўттиз сўмлик қизил пул турибди. Апил-тапил йиғиштирилди-ю, қандай қилиб чой ичиб бўлганини ҳам сезмади. Ҳужжатлари ва пулни олиб, шошилиб жўнаётган эди, остонада уни кеннойиси тўхтатди:

— Биринчи галга тоғангиз ўзи олиб бормоқчи эди, бригад қўймапти. Эҳтиёт бўлинг-да, катта шаҳар, пулингизни ички киссангизга солинг. —Кеннойиси кўчагача кузатиб чиқди уни. — Ўзи қайси ўқишга киришни биласизми! Қаердалигини биласизми! Қачон келасиз! Тоғангиз сўрагин, девдилар.

Саттор аввал бош ирғиб, кейинги саволга эса елкасини қисиб жавоб берди.

— Жим бўлиб кетманг ишқилиб, хавотир оламиз.

(Давоми бор).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИНГ ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАРИ!

СИЗ ШАҲАР ТЕЛЕФОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАНИНГИЗДА, ИККИ РАҚАМЛИ НОМЕРЛАРНИ ТЕРИБ ЗУДЛИК БИЛАН ЖАВОБ БЕРА ОЛАДИГАН МАХСУС ХИЗМАТЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗ МУМКИН:

«01» — ўт ўчириш ёрдами;
«02» — милиция;
«03» — тез медицина ёрдами;
04» — газ қувури авария хизмати;

БУЮРТМА ВА СПРАВКА ХИЗМАТЛАРИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА:

«07» — шаҳарлараро телефон тармоқларининг буюртма-хизмати;
«09» — шаҳар телефон тармоқлари справка хизмати (муассасалар телефонлари бўйича);
«006» — самолётлар парвози тўғрисида справка хизмати;
«007» — шаҳарлараро телефон тармоқлари справкаси;
«009» — шаҳар телефон тармоқларининг квартиралар телефонлари бўйича справкаси;
«005» — поездлар ҳаракати тўғрисида справка хизмати;
«065» — маиший хизмат;
«062» — такси буюртмаси;

Агарда сизнинг телефонингиз ишламай қолса ремонт бюросига буюртма беришингиз лозим. Бунинг учун «08» рақамини териш ва станциянинг уланиш овозини эшитганингиздан кейин, шикастланган телефоннинг номерини теришингиз лозим. Оператор сизни эшитади ва буюртмани қабул қилиб олади. Буюртма бераётганда бузилиш сабабини қисқа изоҳланг ва шикастланган телефоннинг номерларини дарҳол айтиб беринг. Агарда операторнинг жавоби сизни қаноатлантирмаса, справкалар учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилинг: 55-19-19, 55-14-14.

Сиз шунингдек телефонингизга хизмат кўрсатаётган телефон узелига бевосита мурожаат этишингиз ҳам мумкин:

АТС — 62, 64, 66, 67 КУЙБИШЕВ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
бошлиғи — 67-04-25.
бош инженер — 67-09-10.
шикоятлар бўйича инженер — 67-12-80.

АТС — 90, 91, 96 ЛЕНИН РАЙОНИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
бошлиғи — 91-04-25.
бош инженер — 91-09-10.
шикоятлар бўйича инженер — 91-12-80.

АТС — 41, 42, 44, 45, 46, 48, 29 СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
бошлиғи — 29-04-25.
бош инженер — 29-09-10.
шикоятлар бўйича инженер — 29-12-80.

АТС — 53, 58, 74, 76, 77, 78 ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
бошлиғи — 77-04-25.
бош инженер — 77-09-10.
шикоятлар бўйича инженер — 77-12-80.

АТС — 21, 32, 33, 35, 24, 55 36 ҲАМЗА РАЙОНИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ УЗЕЛИ СОСТАВИГА КИРАДИ ВА УНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:
бошлиғи — 56-04-25.
бош инженер — 56-09-10.
шикоятлар бўйича инженер — 56-12-80.

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНАЁТГАНДА ҚУЙИДАГИ ТАРТИБНИ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ:

телефонда суҳбатлашиш давоми уч минутдан ошмаслиги лозим.

Шаҳар телефон тармоқларининг абонентлари қуйидаги тартибни бажаришга мажбурдирлар:

бошқа абонентларни ҳуда-беҳуда безовта қилиш мақсадида абонент телефонидан фойдаланишга йўл қўймаслик лозим ва улаб параллель қилинган телефонларда бошқа абонентларнинг алоқа воситасидан бемалол фойдаланишлари учун телефон трубкасини бекорга олиб халал бермаслик керак;

телефон хизматидан фойдаланганлиги учун ҳар ойнинг 14 кунидан кечикмаган ҳолда абонент ҳақини тўлаб қўйиш лозим. Шу ойнинг 15 кунигача телефон тармоғига абонент ҳақи келиб тушмаса телефон тармоғи шаҳар телефон тармоқларидан фойдаланиш қоидаларига биноан, абонентни телефон орқали шу ойнинг 20 кунигача абонент ҳақини тўлаб қўйиш лозимлиги тўғрисида огоҳлантиради ва агарда ойнинг 25 кунигача телефон ҳақи тўланмаса 26-куни телефон узиб қўйилади, шунингдек ойнинг 30 (31) кунигача тўланмаса абонент мутлақо бекор қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БОШ БОШҚАРМАСИ.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ СИЗЛАРНИ КОМФОРТАБЕЛЛИ

«АЛЕКСЕЙ СУРКОВ» ВА «ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ» ТЕПЛОХОДЛАРИДА

ВОЛГА **дарёсида**

ЛЕНИНГРАД-АСТРАХАНЬ-ЛЕНИНГРАД **маршрути бўйлаб**

ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

22 КУН ДАВОМ ЭТАДИГАН САЁҲАТ ВАҚТИДА ТУРИСТЛАР НЕВА СОҲИЛЛАРИНИ, ЛАДОГА КЕНГЛИКЛАРИНИ, ЎРИЧАН СВИРНИ, В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ҚУДРАТЛИ ВОЛГА-БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ, СУВ ЙЎЛИ ИНШООТЛАРИНИ, ЕВРОПАДА ЭНГ КАТТА ВОЛГА ДАРЁСИНИ ВА УНИНГ УЛКАН СУНЪИЙ ДЕНГИЗЛАРИ ВА ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАРИНИ КЎРАДИЛАР. УЛАР ЯРОСЛАВЛЬ, КОСТРОМА, САРАТОВ, УЛЬЯНОВСК, КУЙБИШЕВ, ҚОЗОН, ГОРЬКИЙ, ВОЛГОГРАД ШАҲАРЛАРИ БЎЙЛАБ ЭКСКУРСИЯ ҚИЛАДИЛАР, ВОЛГА ДАРЁСИНИНГ ХУШМАНЗАРА ПЛЯЖЛАРИДА ЧЎМИЛИБ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИЛАР.

Теплоходдаги каюталарнинг ҳаммаси икки ўринли бўлиб, кондиционер, холодильник билан жиҳозланган. Ҳар бир каютада душ ва санитария узели мавжуд.

Саёҳатлар 17, 22 июнь, 31 август, 20 сентябрдан бошланади. Баҳоси —440, 460, 490, 495 сўм.

ВОЛГА ва КАМА дарёсида ЛЕНИНГРАД-ПЕРМЬ-ЛЕНИНГРАД маршрути бўйлаб — 20 кунга, 24 июндан. Баҳоси 350, 400 сўм.

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАРГА ПУТЕВКАЛАР БОР:

БОЛТИҚБЎЙИ — ГРОДНО-ДРУСКИНИНКАЙ (Волковиск, Вильнюс, Каунас) **маршрути бўйлаб — 16 кунга, 3 сентябрдан. Баҳоси— —173 сўм.**

ПЯРНУГА — **10 кунга. 28 август, 6, 15 сентябрдан. Баҳоси —115 сўм.**

ДРУСКИНИНКАЙГА —**14 кунга, 25 августдан. Баҳоси — 156 сўм.**

ВИЛЬНЮС-КАУНАС-РИГА МАРШРУТИ БЎЙЛАБ — **15 кунга, 8 сентябрдан. Баҳоси —185 сўм.**

ТРАКАЙ-БИРШТОНАС-ПАЛАНГА МАРШРУТИ БЎЙЛАБ —**20 кунга, 31 августдан. Баҳоси —218 сўм.**

КЛАЙПЕДАГА — **16 кунга, 26 август, 8 сентябрдан. Баҳоси —185 сўм.**

ЖАНУБИЙ ЛИТВАГА —**10 кунга, 25 август, 4, 14 сентябрдан. Баҳоси —136 сўм.**

ЗЕЛЕНОГРАДСККА —**14 кунга, 16 август, 15 сентябрдан. Баҳоси —149 сўм.**

ИГНАЛИНАГА —**15 кунга, 25 августдан. Баҳоси —72 сўм.**

УКРАИНА — ДНЕПРОПЕТРОВСК **маршрути бўйлаб** (Днепродзержинск, Полтавага саёҳатлар қилинади). **Днепр бўйидаги «Рассвет» меҳмонхонасида истиқомат қилиб, ресторанда овқатланилади —19 кунга, 20 июнь, 20 августдан. Баҳоси — 200 сўм.**

ЖИТОМИРГА («Жовтень» меҳмонхонасида истиқомат қилинади)— **20 кунга, 13 июнь, 27 августдан. Баҳоси —171 сўм.**

КАМЕНЕЦ-ПОДОЛЬСКИЙГА («Подолянка» туристик базасига)—**20 кунга, 13 июлдан. Баҳоси —200 сўм.**

ТРУСКАВЕЦГА —**20 кунга, 10 августдан. Баҳоси —260 сўм.**

САМАРАДА ДАМ ОЛИШ (Днепрнинг чап ирмоғида)— **20 кунга, 24 июнь, 14 июль, 3, 23 августдан. Баҳоси —181 сўм.**

БЕЛОРУССИЯ-ПРИПЯТЬ БЎЙЛАБ — **15 кунга, 21 июль, 4 августдан. Баҳоси —170 сўм.**

ВИТЕБСК-БРАСЛАВСК КЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ —**15 кунга, 27 августдан. Баҳоси —170 сўм.**

МОСКВАГА (икки кишилик онлалар учун)—**12 кунга, 26 июнь, 13, 24, 27 августдан. Баҳоси —284 сўм.**

ГОРЬКИЙ ЯҚИНИДАГИ КУСТОРА КЎЛИ СОҲИЛИГА (қайинзор ўртасидаги туристик базага)—**20 кунга, 8, 30 июлдан. Баҳоси —185 сўм.**

ВОЛГАДАГИ ПЛЕС —**20 кунга, 30 июлдан. Баҳоси —200 сўм.**

ПЯТИГОРСККА—**7 июль, 16 августдан. Баҳоси —242 сўм, 3 кишилик онлалар учун —27 июнь, 16 июль, 23 августдан — 20 кунга. Баҳоси —639 сўм.**

Ленинград яқинидаги туристик база —ПОДДУБНАЯГА— **10 кунга, 27 июндан. Баҳоси —60 сўм.**

НАХИМОВКА — **10 кунга, 6 сентябрдан. Баҳоси —60 сўм.**

ТОЛМАЧЕВОГА — **12 кунга, 26 августдан. Баҳоси —70 сўм, 26 июндан 3 кишилик онлалар учун. Баҳоси — 204 сўм.**

Овқатланиш, бошпана ва экскурсия хизматининг ҳақи путёвка баҳосига киради.

Путёвкалар нақд пулга сотилади.

ТЕПЛОХОДДАГИ САЁҲАТЛАР УЧУН ПУТЁВКА НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Путёвкаларни ҳар куни соат 15.00 дан 20.00 гача олиш мумкин.

Дам олиш кунлари — якшанба, душанба.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 35-уй (4, 14-троллейбусларнинг, 17-автобуснинг «Транспорт агентлиги» бекати). Телефон 41-80-15.

ВАҚТНИ ТЕЖАЙСИЗ

АГАРДА СИЗ КВАРТИРАНГИЗНИ РЕМОНТ ҚИЛДИРИШ МАҚСАДИДА КЕРАКЛИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ИЗЛАБ ЮРГАН БЎЛСАНГИЗ, ВАҚТИНГИЗНИ ЙЎҚОТМАСДАН

Тошкент шаҳар уй-жой бошқармаси қошидаги

1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАГА

МУРОЖААТ ЭТИШИНГИЗНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

БОШҚАРМАНИНГ УСТАЛАРИ БОШҚАРМА ВА БУЮРТМАЧИЛАРНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИДАН АҲОЛИНИНГ МАБЛАҒИ ҲИСОБИГА КВАРТИРАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИБ БЕРАДИЛАР.

Малакали усталар дурадгорлик, сантехника, бўёқчилик, кошинкорлик ишларини тез бажарадилар, паркетли полни ёпадилар ва линолеум ташлайдилар. Хоналарга гул қоғоз ёпиштирадилар ёки бўяш ишларини бажарадилар.

Бошқармада ойналарга бадиий ишлов бериш юзасидан буюртма ҳам қабул қилинади.

1-ихтисослаштирилган бошқарма усталари, шунингдек хусусий уйларга шаҳар водопровод тармоқларини улаб берадилар, машина турадиган очиқ майдонларни, тротуарларни ва бошқа жойларни асфальтлаб берадилар.

1-ихтисослаштирилган бошқарма адреси: Тошкент шаҳри, 1-Пушкин проезди, 6-уй. Телефонлар: 33-06-22, 33-10-53.

БОШҚАРМАНИНГ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ:

Чилонзор массиви, 6-квартал, 47-уй. Телефон 78-29-10.
К. Цеткин кўчаси, 45-уй;
Беруний кўчаси, 6/7-уй;
Юнусобод массиви, 14-уй, 1-квартира;
2/4-Қорақамиш массиви, 38-уй, 2-квартира;
Сапёрлар кўчаси, 26-уй. (ойначилик устахонаси).



1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА.



ЁЗ НЕЪМАТИ—ҚИШ ФАСЛИДА—РОҲАТИЖОНДИР

АГАРДА СИЗ ЁЗ ФАСЛИДА САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ КОНСЕРВАЛАБ ҚЎЙСАНГИЗ ҚИШДА ДАСТУРХОНИНГИЗ ЯНАДА ТЎКИН-СОЧИН БЎЛАДИ.

Бунинг учун уйда консервалашда қўл келадиган ҳар хил асбоб-ускуналар термаси жуда ҳам керак бўлади: булар консерва банкасининг қопқоғини ёпадиган машинка, таглик ва банкани сувдан кўтариб оладиган қисқичдир. Бу асбобларни Тошкент агрегат заводи ишлаб чиқармоқда.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ВТОРЧЕРМЕТ»нинг
СЕРГЕЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХИ ВА ТОШКЕНТ БОШҚАРМАСИГА

ишлаб чиқариш цехларининг бошлиқлари, ремонт-механика участкаси бошлиғи, электромеханика цехи бошлиғи, бошқарма бош бухгалтери, электр кўприкли кранларнинг кранчилари, газ билан қирқувчилар, металлоломларни сараловчилар, гидропресс ва гидроқайчиларда (ҳар хил ихтисослар бўйича) **ишлаш учун ишчилар, қурилиш ишчилари.**

ЎЗБЕКИСТОН «ВТОРЧЕРМЕТ» РЕСПУБЛИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ АППАРАТИГА

ишлаб чиқариш — техника бўлими бошлиғи, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, инженерлар: конструкторлар, ускуналар бўйича, экономист, нормаловчи, инженер таъминотчи (экспедитор); **катта инженерлар: энергетика, темир йўл транспортида юк ташишни таъминлаш бўйича, таъминот бўйича; склад мудири.**

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли.

План тўлганда 40 процентгача мукофот тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишчиларга корхона автотранспорти хизмат кўрсатади.

Бирлашма «Тошкент денгизи» атрофида дам олиш базасига эга.

Қора денгиз ва Подмосковьедаги пансионатларга путёвкалар берилади, шунингдек пионер лагери мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

КИНО

11 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 17, 19.45; телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00; телефон 77-06-20).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Лисунов номли** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ватан** (тоқ соатларда).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-35-06), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (18.30, 21.00, телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК», «СЦЕНАРИЙЧИ» — **Қозоғистон** (17, 18, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«СЦЕНАРИЙЧИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

12 ИЮНДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАЛВАСА» — **Санъат саройи** (катта зал, 11.45, 14, 17, 19.45, телефон 44-21-34), **Чайка** (18, 21.00, телефон 77-06-20).

«МУДҲИШ САЁҲАТ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТАВАККАЛЛИК ОҚИБАТИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СОДИҚ ҚЎЛ — ҲИНДУЛАР ДЎСТИ» — **Москва** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-35-06), **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **Искра** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 39-14-59), **Хива** (22.00).

«АФРИКАЛИК», «СЦЕНАРИЙЧИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ТЎРТ ҚЎЛ УЧУН ЎЙИН» — **Москва** (тоқ соатларда, **Восток** (жуфт соатларда, 21.30; телефон 91-14-61).

«ДАВОМ ЭТАВЕР, МАФТУНКОРЛИК» — **Восток** (жуфт соатларда, 21.30), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«СЦЕНАРИЙЧИ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СКАПЕН НАЙРАНГЛАРИ» — **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02).

АБИТУРИЕНТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«БИЛИМЛАР УЙИ» (Киров кўчаси, 24-уй)

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини топширишга тайёрланаётганлар учун

1-25 ИЮЛЬ КУНЛАРИ МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ТАРИХ (рус ва ўзбек тилларида), АДАБИЁТ (рус тилида) ФАНЛАРИ БЎЙИЧА

МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗАДИ

56-55-89 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш Вош бошқармасининг бошлиғи Қ. С. Тўлагановга ўғли

Абдуносир Қаюмович ТЎЛАГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Республика медицина билим юрти коллективи ўқитувчи Ш. К. Тўлагановага ўғли

Абдуносир Қаюмович ТЎЛАГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

сешанба

11 ИЮНЬ

● МТ I
18.15 «Моҳир қўллар».
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.00 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР Давлат мукофотининг лауреати, ёзувчи Г. Боровик билан учрашувлар.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 В. Левченко куйлайди.
● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

11 ИЮНЬ, 1985 й.

19.30 «Халқаро панорама».
20.15 «Дўстми ёки душманми?» Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Қизча ва дельфин». Мультфильм.
20.45 «Сизга манзур адабиётлар».
21.30 «Время».
22.05 Олти серияли телевизион бадиий фильм (Испания). 1-серия.
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Қайрат». 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
● УзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ширин эртак». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Шоирлар — болаларга». Йўлдош Сулаймон ижоди ҳақида.
19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Марксча-ленинча таълим системаси машғулотлари якунларига доир».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғалла — ризқ-рўзимиз».
20.00 «Ишлар ва одамлар». «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий эксперименгнинг бориши ҳақида (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Меҳмонхонадаги машмашалар». Ҳажвий телефильм.
22.25 «Дадиллик учун юз грамм». Бадиий фильм.
23.40 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● УзТВ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Болалар учун фильм. «Бор эканда, йўқ экан...»
18.50 «Красноярье шифохоналари». Телефильм.
19.10 «Мактаб театрида меҳмонда» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Абитуриент-85», Иншо қандай ёзилади.
20.50 «Тақдир китоби». Ҳужжатли фильм.
21.00 Пушкинхонлик. Бир актёр театри. «Монологлар» (рус.).

чоршанба

12 ИЮНЬ

● МТ I
9.00 «Время».
9.40 «Саёҳатчилар клуби».
10.40 Мультфильмлар: «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак», «Болтадан пиширилган бўтқа», «Офтобжон, Андрейка ва қоронғулик».
11.10 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм. 1-серия.
12.40 «Карагод» фольклор ансамбли ижро этади.
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Анъаналар ворислари». Телефильмлар: «Денгизга чиқамиз», «Чубартовлик чўпон».
16.00 «Демьян Бедний — инқилоб куйчиси».
16.55 «Мунозара клуби».
17.35 «Стадион ҳамма учун».
18.05 «Фан ва турмуш».
18.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. 1/4 финал. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Симфоник ва эстрада куйлари оркестрининг концерти.
19.55 «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск). Киевдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».
● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Моҳир қўллар».
9.45 Сибирь Давлат рус халқ хорининг концерти.
10.25 Адабий ўқиш. Г. Троепольский. «Оқ Бим Қора қулоқ».
10.55 «Янги, кўҳна уй». Телефильм.
11.25 «СССРда табиатни муҳофаза қилиш».
11.55 Болалар учун фильм. «Бенно билан содир бўлган воқеалар». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.55 «Нотаниш аёл портрети». Телефильм премьераси.
13.25 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.55 Немис тили. Биринчи йил шуғулланаётганлар учун.
14.25 Телефильмлар: «Ўрмон сукунати чорлайди», «Қоплон изидан».
15.00 «Биргаликда аҳил оиламиз».
15.20 «Ярим соат Образцов билан». Фильм-концерт.
15.50 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
19.00 «Литературная газета» МДУ студентлари ҳузурида меҳмонда».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя ҳола ҳикоя қилади».
20.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». РСФСР халқ рассоми И. Обросов.
21.10 «Сеҳрли полиз». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.00 Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
22.55 А. Дворжак. 9-симфония.
● УзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.25 «Гулдаста». Фильм-концерт.
10.55 Болалар учун. «Уйлаб топ» (рус.).
11.25 «Йўлдаги курашлар». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мушук Леопольднинг қассоси». Мультфильм.
18.25 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.50 «Ишга тушириладиган объектлар—ўз муддатида! Мис бойитиш фабрикаси. Олмалиқ кон-металлургия комбинати. «Правда Востока» газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.00 «Ҳақиқат ва бўхтон». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Дадабоева, Х. Юсупова ва И. Катаев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.20 «Актёрлар ва роллар». ЎзССР халқ артисти Икрома Болтаева.
23.40 Янгиликлар.
● УзТВ II
19.30 «Транспорт ва йўловчи» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль эмблемаси билан».



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг «Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12314. **Индекс 64690. Б-2015.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.